

## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Чортоқ туман тиббиёт бирлашмаси  
бошлиғи в/б Қ.Махмудов

“25” ноябр 2022 йил



### Чортоқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Гулдиров тиббий таянч пункти биносини жорий таъмирлаш ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Буюртмачи	Чортоқ туман тиббиёт бирлашмаси
2	Буюрма мазмуни	Чортоқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Гулдиров тиббий таянч пункти биносини жорий таъмирлаш
3	Хизмат кўрсатиладиган манзил	Чортоқ туман Гулдиров МФЙ
4	Қатнашувчилар учун талаблар	Танлов ҳужжатларида кўрсатилган ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариб бериш
5	Тижорий таклифларни тақдим этиш шартлари	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурий.</li><li>2. Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати</li><li>3. Қурилиш соҳасида рейтинг даражасига эга ташкилот катнашиши шарт.</li><li>4. Танлов иштирокчиси хақида умумий маълумотлар.</li><li>5. Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси, ҳодимлар сони ҳамда малакалари бўйича кўрсаткичлар.</li><li>6. Молиявий аҳволи хақидаги ҳужжатлар, молиявий натижалар хақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан.</li><li>7. Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 % кам бўлмаган миқдордаги маблағлар мавжудлиги тўғрисида оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган банк маълумотномаси.</li><li>8. Танловдаги объектга ўхшаш объектлардаги иш тажрибаси.</li><li>9. Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати</li><li>10. Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) хақида маълумот</li></ol>

		11. Қурилиш майдонини бориб кўрганлиги, ҳамда берилган лойиха смета хужжатларига ўзларини тижорий таклиф бериш
6	Бажариладиган ишлар ҳисоб-китоби	Бажарилган ишлар бўйича ҳисоб-китоблар тузилган Ф-2 ва Ф-3 далолатномаларига мос равишда амалга оширилади
7	Ишда хизмат тури	Бино ва иншоотларни мукаммал таъмирлаш
8	Ишни бажариш муддати	Шартнома имзоланган кундан олдиндан 30% тўлов амалга оширилади ҳамда хизмат тўлик бажарилиши билан 20 иш куни муддатда тўлик ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади. Хизматни бажариш муддати 30 кун.
9	Техника-меҳнат хавфсизлиги бўйича талаблар	Ишни бажариш жараёнида техника хавфсизлиги қоида ва талабларига тўлик риоя этилиши.
10	Молиялаштириш манбааси	Маҳаллий бюджет маблағлари
11	Бажариладиган ишлар қиймати таклифи	<b>96 029 442 (Туксон олти миллион йигирма туккиз минг тurt юз кирк икки) сум</b>

Чортоқ ТТБ қурилиш муҳандиси:



А.Қорабоев

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Чортоқ туман тиббиёт бирлашмаси**

**бошлиғи в/б Қ.Махмудов**

**“25” ноябр 2022 йил**



**БУЮРТМАЧИ:**

**НАМАНГАН ВИЛОЯТ ЧОРТОҚ ТУМАН ТИББИЁТ  
БИРЛАШМАСИ**

**Чортоқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп  
Гулдиоров тиббий таянч пункти биносини жорий  
таъмирлаш**

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

*Чортоқ туман тиббиёт бирлашмаси*

## Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1 Чортоқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохона биноларини жорий таъмирлаш таъмирлаш
- 1.2. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.  
**Ушбу танлов яқунлари бўйича ҳолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**
- 1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Чортоқ туман тиббиёт бирлашмаси , (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Наманган вилояти, Чортоқ тумани Гулдиров МФЙ
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Чортоқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохона биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда махсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:  
танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;  
шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;  
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;  
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;  
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми;  
Низом маблағи миқдори.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган холда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

## Таклифларни техник ва нархлар буйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электронний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электронний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

№	Критирериялар номи, мазмуни	Энг юқори балл	Фоиз хисобида
1	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза такдим этиш мажбурий.	8	90%
2	Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати	9	
3	Қурилиш соҳасида рейтинг даражасига эга ташкилот катнашиши шарт.	7	
4	Танлов иштирокчиси хақида умумий маълумотлар.	8	
5	Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси, ҳодимлар сони ҳамда малакалари бўйича кўрсаткичлар.	9	
6	Молиявий аҳволи хақидаги ҳужжатлар, молиявий натижалар хақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан.	9	
7	Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 % кам бўлмаган миқдордаги маблағлар мавжудлиги тўғрисида оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган банк маълумотномаси.	7	
8	Танловдаги объектга ўхшаш объектлардаги иш тажрибаси.	8	
9	Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати	10	
10	Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) хақида маълумот	8	
11	Қурилиш майдонини бориб кўрганлиги, ҳамда берилган лойиха смета ҳужжатларига ўзларини тиждорий таклиф бериш	7	
12	Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан)		